

Президент карантин қоидаларига тўлиқ амал қилиш кераклигини таъкидлади

Президент Шавкат Мирзиёев 7 май куни ўтказилган видеоселектор йиғилиши бошида коронавирус пандемиясига қарши кураш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларга алоҳида тўхталиб ўтди.

– Охирги пайтда дунёда ҳар куни 90-100 минг нафар инсон бу вирусни юқтириб олмоқда, – деди давлатимиз раҳбари. – Бугунга келиб, унга чалинганларнинг умумий сони қарийб 4 миллионга етди. Минг афсуски, уларнинг 265 минг нафари оламдан ўтди.

Ўзбекистонда касалликка чалинганлар сони 2 минг 269 нафарни ташкил этмоқда. Улардан 1 минг 624 нафари ёки 72 фоизи соғайди. Айни пайтда шифохоналарда 635 нафар бемор даволанмоқда. Хориждан қайтган ва беморлар билан мулоқотда бўлган 45 минг фуқаромиз карантинга олинган.

Биз жуда катта куч сарфлаб, кўп саъй-ҳаракатлар, халқимизнинг кўмаги ва чуқур тушуниши, сабр-тоқати билан Ўзбекистонда бу офатни жиловлаб турибмиз. Лекин барибир жуда ҳам зийраклик ва эҳтиёткорлик билан, карантин қоидаларига тўлиқ амал қилишимиз шарт. Бу хавф бутун дунёда бутунлай бартараф этилмас экан, хотиржамликка берилишга асло ҳақимиз йўқ.

Республикамизда эпидемиологик вазият барқарорлашганидан фойдаланиб, вирусдан холи ҳудудларда иқтисодиётни юрғизиш ва одамларни даромад билан таъминлаш мақсадида карантин талабларини аста-секин юмшата бошладик. Бунда биз аҳолининг карантиндаги турмуш шароитини яхшилаш учун уларнинг кўплаб муурожаатларини ҳам инобатга олдик.

Ўтган селекторда берилган топшириққа мувофиқ, Республика комиссияси томонидан 8 майдан бошлаб, инфекция аниқланмаган

ёки беморлар тўлиқ соғайган Навоий, Жиззах ва Қашқадарё вилоятлари “яшил”, охириги 14 кунда вирус аниқланмаган, лекин даволанаётган беморлар бўлган Сурхондарё, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳри “сарик”, доимий равишда инфекция аниқланаётгани учун бошқа ҳудудларнинг барчаси “қизил” тоифали ҳудуд деб эълон қилинди.

Шунингдек, минтақаларнинг тоифасига қараб, рухсат этиладиган хизмат турлари ҳам аниқ ва тушунарли қилиб белгилаб берилди. Албатта, “яшил” ҳудудларда кўпроқ, “сарик”да камроқ, “қизил”да чекланган сондаги хизматлар кўрсатилади.

Такрор ва такрор айтаман, жаҳонда, айниқса биз яқин ҳамкорлик қиладиган давлатларда пандемия тобора кучайиб бораётганини, бу ҳолат бизга ҳам катта хавф солиши мумкинлигини асло унутмаслигимиз керак. Шу сабабли барчамиздан ҳушёрликни янада ошириш талаб этилади. Бу борада, фаолиятини умуман тўхтатмаган корхоналарда ҳам, ўз ишини қайтадан бошлашга рухсат берилган соҳаларда ҳам вирусга қарши курашиш бўйича чекловлар сўзсиз бажарилиши керак.

Яна бир бор такрорлайман, ҳар биримиз карантин ва санитария-гигиена қоидаларига қатъий амал қилиб, ўзимиз, яқинларимиз ва халқимизнинг соғлиғини ҳимоя қилиш учун масъул эканимизни унутмаслигимиз зарур ва шарт.

Шу билан бирга, “сарик” ва “қизил” тоифадаги вилоятларда касаллик умуман аниқланмаган туманлар ҳам борлигини инобатга олиш лозим. Худди шундай, эртага “яшил” вилоятдаги бирор бир туманда касаллик аниқланадиган бўлса, бутун вилоятнинг тоифасини ўзгартириш шарт эмас, – деди Президентимиз.

Республика комиссиясига ҳудудларни тоифага ажратишни туман ва шаҳарлар даражасида белгилаш бўйича топшириқ берилди.





ЎЗА